

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2025 йил март ойининг 6 куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси Ш.Худаяров, ҳайъат судьялари Н.Эрназаров ва Қ.Холмуродовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Ибодовнинг котиблигида, тарафлардан прокурор С.Маматкаримов, судланувчи М.Ж.А ва унинг ҳимоячиси-адвокат К.Абдурахманов, судланувчи А.С.А ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Саидов, судланувчи Т.Ж.Э ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ахмирзаевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги ҳукмига кўра,

[Redacted]

Шароф Рашидов тумани, Пастки сўлоқли маҳалласи, Тошкент кўчаси, 9-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 24 июлда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 26 июлда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, **М.Ж.А** ([Redacted])га

[Redacted]

ривожлантириш банки” АТБ Жиззах банк хизматлари офиси бош бухгалтер ўринбосари лавозимида ишлаган, Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани, “Истиқлол” МФЙ, Отчопар кўчаси 29-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 22 июлда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 24 июлда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, **А.С.А** ([Redacted])га;

[Redacted]

банк хизматлари офиси бошқарувчиси лавозимида ишлаган, Жиззах шаҳар, А.Темур МФЙ, Ахмедов кўчаси, 85-уйда



яшайди, иш бўйича 2024 йил 10 августдан “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган Т.Ж.Э ([REDACTED])га

нисбатан чиқарилган суд ҳукмига нисбатан ҳимоячилар К.Абдурахманов, Р.Саидов ва А.Ахмирзаевлар томонидан берилган апелляция шикоятни ҳамда прокурор протестига асосан ишни апелляция тартибида кўриб чиқлиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги ҳукми билан М.Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш, 168-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 6 (олти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси жазоси;

А.С.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 (беш) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Т.Ж.Эга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 (беш) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шунингдек, судланувчилар М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Элардан солидар тартибда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий



бошқармаси фойдасига 1.165.194.126 (бир миллиард бир юз олтмиш беш миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм;

судланувчи М.Ж.Адан жабрланувчи Инамов Хаким Наимовичнинг фойдасига 11.300 АҚШ долларига тенг бўлган 145.792.600 (бир юз қирқ беш миллион етти юз тўқсон икки минг олти юз) сўм;

судланувчи М.Ж.Адан жабрланувчи Хаитов Достон Лазиз ўғлининг фойдасига 65.775.000 (олтмиш беш миллион етти юз етмиш беш минг) сўм ундириш белгиланган.

Мазкур ҳукм билан [REDACTED] ўғли ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи М.Ж.А, фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Жиззах шаҳар, “Ёшлик” МФЙ,

[REDACTED]


[REDACTED] билан жами 65.775.000 сўм пулларни қўлга киритиб, автомашинани Д.Хаитовнинг номига расмийлаштириб бермасдан, қўлга киритилган пул маблағларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб талон-торож қилган.

[REDACTED]

[REDACTED] тўлаб берса номига расмийлаштириб бериши тўғрисида ёлғон ваъдалар билан Х.Инамовдан олдиндан 7.000 АҚШ доллари пулларни олиб, 2024 йил январь ойига қадар ҳар ойлик 500 АҚШ долларидан тўлов пулларини қабул қилиб, бошланғич ва ойлик тўловлари билан жами 129 млн. сўм 101 минг сўмга тенг бўлган 11.300 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, автомашинани Х.Инамовнинг номига расмийлаштириб бермасдан, қўлга киритилган кўп миқдордаги пул маблағларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб талон-торож қилган.




Бундан ташқари, М.Ж.А, 2019 йилда Шароф Рашидов тумани Давлат хизматлари маркази орқали давлат рўйхатидан ўтган “Jasurbek Universal Savdo Baraka” оилавий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келиб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси ҳисобланиб, АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи Т.Ж.Э, пластик карталар билан амалиёт бўлими бошлиғи А.С.А ва бошқалар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2021 йилдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли Қарори билан хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида имтиёзлар кредитлар берилаётганлиги вазиятидан ноқонуний бойлик орттиришни кўзлаб, имтиёзли кредит маблағларини талон-торож қилиб, ўзлаштириш йўлида ўзаро жиноий режа тузишиб, жиноий режага кўра, отаси М.А.К номида бўлган Шароф Рашидов тумани, “Пастки Сўлоқли” МФЙ, Тошкент кўчасида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш комплекси - гўзаллик салони, сартарошхона, озиқ-овқат савдоси дўкони, хўжалик моллари дўкони, тантаналар ва оилавий тадбирларни ташкил этиш биносини жиҳозлашга имтиёзли кредит ажратиш ҳақида АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиалига отаси М.А.К орқали ариза билан мурожаат қилиб, 06.07.2021 йилда 12 ойлик имтиёзли даврли, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 60 ой муддатга, 1 млрд. 300 млн. сўм миқдорида кредит ажратиш ҳақида 108-сонли кредит шартномаси тузишга эришиб, ажратилган кредит маблағларнинг 300 млн. сўмини 01.07.2021 йилда 8 турдаги 17 дона маиший техника буюмларини



Gold” МЧЖ ва “Farangiz Super Gold” МЧЖларнинг норасмий раҳбари П.Рашидовдан АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи Т.Ж.Э ва пластик карталар билан амалиёт бўлими бошлиғи А.С.А ва бошқалар орқали жами 1 млрд. 300 млн. сўм имтиёзли кредит маблағларини нақдлаштириб олишиб, нақдлаштирилган жами 1 млрд. 300 млн. сўм миқдоридаги пул маблағларини жиноий шериклари билан ўзаро тақсимлаб, имтиёзли кредит маблағларни мақсадсиз сарфлаб, ўзларининг шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатишиб, ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги 1 млрд. 300 млн. сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.




Шунингдек, М.Ж.А “Jasurbek Universal Savdo Baraka” оилавий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келиб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси ҳисобланиб, АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах



қонуний тус бериш мақсадида, АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи Т.Ж.Э билан 15.03.2022 йилда кредит маблағлари ишлатилиши бўйича мониторинг ўтказишиб, мониторинг далолатномасига гўёки, кредит мақсадли сарфланганлиги ҳақида сохта маълумотлар ва ёзувлар киритишиб, расмий ҳужжатларни такроран сохталаштирганлар.

Мухаммадиев Бекзод Баҳром ўғли, Зомин туманида давлат рўйхатидан ўтган “Zomin-Tехно” МЧЖ раҳбари ҳамда Жиззах шаҳрида давлат рўйхатидан



ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт” ва 10-бандида кўрсатилган “Ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилади ва уларнинг сақланиши ҳамда ҳисоби юритилиши электрон ахборот тизимида амалга оширилади”- деган талабларига зид равишда, терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа харидорларга ҳисобварақ-фактураси расмийлаштирмасдан, нақд пул



маблағларига сотиб, ушбу пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сонли Фармонининг 3-бандида қайд этилган “Нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топширадилар”-деган талаби бўйича хизмат кўрсатувчи банк ғазнасига топширмасдан, АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиалидан “Jasurbek Universal Savdo Baraka” оилавий корхонасига ажратилган кредит маблағларининг 300 млн. сўмини 3 фоиз ҳисобида 291 млн. сўмга АТБ “Қишлоққурилишбанк” Жиззах минтақавий филиали ходимлари А.С.А ва Т.Ж.Эларга нақдлаштириб бериб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Шунингдек, Б.Мухаммадиев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 23.10.2019 йилда Зомин туманида давлат рўйхатдан ўтган “Zomin-Texno” МЧЖ раҳбари ҳамда 28.05.2019 йилда Жиззах шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган “The Ground” МЧЖни норасмий раҳбари лавозимида ишлаб келиб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, жамиятнинг хўжалик фаолиятида иқтисодий мазмун ва натижага эга бўлмаган сохта ва кўзбўямачилик учун “Falcon diamonds” МЧЖ раҳбари Ф.Саитмуродов билан “Zomin-Texno” МЧЖ ўртасида 01.12.2021 йилда 9 турдаги 63 дона умумий қиймати 1 млрд. 20 минг сўм бўлган маиший техника жиҳозларини етказиб бериш бўйича 313-сонли ҳамда ўзи норасмий раҳбарлик қилиб келаётган “The Ground” МЧЖ ўртасида 25.01.2022 йилда 8 турдаги 91 дона умумий қиймати 600 млн. сўм бўлган маиший техника жиҳозларини етказиб бериш бўйича 57-сонли сохта олди-сотди шартномаларини тузиб, ушбу шартномаларга асосан “Falcon diamonds” МЧЖга амалда товарларни етказиб бермасдан, гўёки етказиб берилганлиги ҳақида 01.02.2022 йилда 165/22-zt-сонли ҳамда 24.01.2022 йилда 013/2022tg-сонли сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, ушбу маиший техника жиҳозларини Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2020 йилдаги 489-сонли қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-банди, яъни “Товарларни реализация қилишда юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган норезидент юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ушбу товарларни сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт” ва 10-бандида кўрсатилган “Ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилади ва уларнинг сақланиши ҳамда ҳисоби юритилиши электрон ахборот тизимида амалга оширилади”-деган талабларига зид равишда, терговга шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа харидорларга ҳисоб-фактураси расмийлаштирмасдан нақд пул маблағларига сотиб юбориб, ушбу пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-



1504-сонли Фармонининг 3-бандида қайд этилган “Нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга

[REDACTED]

Ф.Худойкуловга нақдлаштириб бериб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Ҳимоячи К.Абдурахманов шикоятда, судланувчи М.Ж.А тергов ва судда айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, воқеа тафсилотлари ҳақида тергов ва судни чалғитмасдан кўрсатувлар берганлигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб шартли ҳукм қилиш сўралган.

Ҳимоячи Р.Саидов шикоятда, судланувчи А.С.А 300.000.000 сўмлик айб эпизоди бўйича айбига иқрорлиги, Т.Ж.Энинг илтимосига кўра нақдлаштириб келганлиги, 1.3 млрд билмаслигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб ундан фақат 300 млн сўмни ундиришни белгилашлик сўралган.

Ҳимоячи А.Ахмирзаев шикоятда, судланувчи Т.Ж.Энинг айби исботланмаганлиги, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўклиги сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Апелляция инстанцияси суди, судья Қ.Холмуродовнинг маърузасини, прокурор С.Маматкаримовнинг суд ҳукмини ўзгартириб, протест ва шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги, судланувчи М.Ж.А ва унинг ҳимоячиси, адвокат К.Абдурахманов, судланувчи А.С.А ва унинг ҳимоячиси, адвокат Р.Саидов, судланувчи Т.Ж.Э ва унинг ҳимоячиси, адвокат А.Ахмирзаевларнинг протест ва шикоятларни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги музокараларини тинглаб, протест ва шикоятлардаги вазларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Эларга оид қисмини ўзгартиришни, прокурор протести ва шикоятларни қисман қаноатлантиришни лозим топади.

[REDACTED]



[Redacted text block]

[Redacted]нинг овози ва нутқига тегишли эканлиги ҳақидаги 29/16(511)23.1Z9885-сонли хулосаси, мутахассислар далолатномалари, тушунтириш хатлари, гувоҳлар сўроқлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган судда текширилган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи М.Ж.А бир [Redacted]

[Redacted text block]

[Redacted text block]

[Redacted] билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларидан келиб чиқиб, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, содир этилган жиноятнинг шакли, сабаблари, мақсади ва усулини аниқлаб, судланувчининг қилмишига қонун доирасида ҳуқуқий баҳо бериб, суд терговини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-448-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда олиб борган.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи Т.Ж.Энинг жиноят содир этмаганлиги, [Redacted]

[Redacted text block]



келганлиги, 1.3 млрд. сўмни билмаслигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, ундан фақат 300 млн. сўмни ундиришни белгилаш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Чунки, ушбу важлар судланувчи М.А.Книнг дастлабки терговда ва судда берган кўрсатувлари, А.С.Анинг 300 млн. сўм пул маблағларини нақдлаштириб, М.А.Кга олиб бориб берганлигини тан олиб берган кўрсатувлари, гувоҳлар М.А.К, М.Нарзикулов, Р.Очилов, Р.Эргашев, Ш.Султонов, Б.Рашидов, Ш.Бобоева, С.Донабоев, С.Баҳодиров, Ж.Индияев ва бошқаларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари М.Ж.А ва А.С.А ўртасида бўлиб ўтган суҳбат аудио ёзуви ва стенограммаси ҳамда ишдаги бошқа далиллар мажмуи билан рад этилади.

Биринчи инстанция суди томонидан М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Эларга нисбатан жазо тайинлашда жиноят иши бўйича моддий зарар қопланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан хавфлилик даражаси юқори эканлигини эътиборга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб тўғри хулосага келган.

Бироқ, апелляция инстанциясида аниқланишича, иш бўйича етказилган ва суд ҳукмида судланувчи М.Ж.Адан жабрланувчи Х.Инамов фойдасига 11.300 АҚШ доллариға тенг бўлган 145.792.600 (бир юз қирқ беш миллион етти юз тўқсон икки минг олти юз) сўм; жабрланувчи Д.Хаитов фойдасига 65.775.000 (олтмиш беш миллион етти юз етмиш беш минг) сўм ундириш белгиланган зарарлар ҳозирги кунда тўлиқ қоплаганлиги аниқланди.

Шунингдек, судланувчилар М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Элардан солидар тартибда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 1.165.194.126 (бир миллиард бир юз олтмиш беш миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм ундириш белгиланган зарардан ҳозирги кунда 698.000.000 сўм қисми қоплаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 9-бандида, ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181-1, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, ЖКнинг 173, 175-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция ва кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан



қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги; 12-бандида судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама этиши, жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши, суд томонидан солидар жавобгарлик белгиланган ҳолларда зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ҳам худди шу принципга амал қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириб, судланувчи М.Ж.А ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича жиноят оқибатида етказилган зарарнинг 64 фоизи қопланганлиги сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тайинлашни ва зарарни қоплаш мажбуриятини юклашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, М.Ж.А томонидан фирибгарлик жинояти оқибатида жабрланувчиларга моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий аҳволини, енгиллаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан М.Ж.Анинг 2024 йил 24 июль кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамокда сақланган 7 ой 10 куннинг бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб жазо тайинлашни;

судланувчи А.С.А ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича жиноят оқибатида етказилган зарарнинг 64 фоизи қопланганлиги сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тайинлашни ва зарарни қоплаш мажбуриятини юклашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий аҳволини, енгиллаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.С.Анинг 2024 йил 24 июль кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамокда сақланган 7 ой 10 куннинг бир кунини

озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб жазо тайинлашни;




судланувчи Т.Ж.Э ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича жиноят оқибатида етказилган зарарнинг 64 фоизи қопланганлиги сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озошликни чеклаш тариқасидаги жазо тайинлашни ва зарарни қоплаш мажбуриятини юклашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан тайинланган озошликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий аҳволини, енгиллаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибда жазоларни қисман қўшиш йўли озошликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Т.Ж.Энинг 2024 йил 10 август кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамокда сақланган 6 ой 26 куннинг бир кунини озошликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасига кўра, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-938-сонли Қонуни билан ўзгартириш киритилган бўлиб, судланувчилар М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Эларга тайинланадиган озошликни чеклаш жазосини ЖКнинг 13-моддаси талабидан келиб чиқиб, эски таҳрирдаги Қонун нормасини татбиқ этишни лозим топади.

Судлов ҳайъати жиноят иши бўйича етказилган зарарларни муҳокама қилиб, судланувчилар М



“Бизнесни



ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига ўтказишни лозим топади.

Юқоридаги асосларга кўра, апелляция инстанцияси суди М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Эга оид суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция тартибидаги протест ва шикоятларни қисман қонаатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹- моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилди:

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги ҳукмининг М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Эга оид қисми ўзгартирилсин.

М.Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

М.Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

М.Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил, 5 (беш) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан М.Ж.Анинг 2024 йил 24 июль кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамокда сақланган 7 ой 10 куннинг бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисобга олиб, тайинланган 5 (беш) йил озодликни чеклаш жазосининг 7 ой 10 куни ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун 4 (тўрт) йил 4 (тўрт) ой 20 (йигирма)куни қолдирилсин.

М.Ж.А сутканинг соат 22-00 дан соат 6-00 га қадар бўлган вақтда яшаш жойи Шароф Рашидов тумани, Пастки сўлоқли маҳалласи, Тошкент кўчаси, 9-уйдан чиқиши чеклансин.

М.Ж.Ага мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва 6 ой муддат ичида яъни 2025 йил 6 сентябрь кунига қадар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 467.194.126 (тўрт юз олтмиш етти миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм тўлашдан иборат қўшимча тақиқ ва мажбуриятлар (чеклашлар) юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ҳукм Шароф Рашидов туман ИИО пробация гуруҳи томонидан ижрога олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.



М.Ж.А озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

М.Ж.Ага қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

А.С.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.С.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.С.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 йил (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.С.Анинг 2024 йил 24 июль кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамоқда сақланган 7 ой 10 куннинг бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисобга олиб, тайинланган 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазосининг 7 ой 10 куни ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун 3 (уч) йил 10 (ўн) ой 20 (йигирма) куни қолдирилсин.

А.С.А сутканинг соат 22-00 дан соат 6-00 га қадар бўлган вақтда яшаш жойи Шароф Рашидов тумани, “Истиқлол” МФЙ, Отчопар кўчаси 29-уйдан чиқиши чеклансин.

А.С.Ага мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва 6 ой муддат ичида яъни 2025 йил 6 сентябрь кунига қадар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 467.194.126 (тўрт юз олтмиш етти миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм тўлашдан иборат қўшимча тақиқ ва мажбуриятлар (чеклашлар) юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ҳукм Шароф Рашидов туман ИИО пробацяя гуруҳи томонидан ижрога олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.С.А озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган



муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

А.С.Ага қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Т.Ж.Эга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Т.Ж.Эга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Т.Ж.Эга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга банк тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 йил (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Т.Ж.Энинг 2024 йил 10 август кунидан 2025 йил 6 март кунига қадар қамоқда сақланган 6 ой 26 куннинг бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисобга олиб, тайинланган 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазосининг 6 ой 26 куни ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун 3 (уч) йил 11 (ўн бир) ой 4 (тўрт) куни қолдирилсин.

Т.Ж.Э сутканинг соат 22-00 дан соат 6-00 га қадар бўлган вақтда яшаш жойи Жиззах шаҳар, А.Темур МФЙ, Ахмедов кўчаси, 85-уйдан чиқиши чеклансин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ҳукм Жиззах шаҳар ИИО пробация гуруҳи томонидан ижрога олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Т.Ж.Эга мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва 6 ой муддат ичида яъни 2025 йил 6 сентябрь кунига қадар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 467.194.126 (тўрт юз олти миш етти миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм тўлашдан иборат қўшимча тақиқ ва мажбуриятлар (чеклашлар) юклатилсин.

Т.Ж.Э озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Т.Ж.Эга қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд идан қамоқдан озод қилинсин.



Судланувчилар М.Ж.А, А.С.А ва Т.Ж.Элардан солидар тартибда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 467.194.126 (тўрт юз олтмиш етти миллион бир юз тўқсон тўрт минг бир юз йигирма олти) сўм ундирилсин.

Суд ҳукмининг судланувчи М.Ж.Адан жабрланувчи Инамов Хаким Наимовичнинг фойдасига 11.300 АҚШ долларига тенг бўлган 145.792.600 (бир юз қирқ беш миллион етти юз тўқсон икки минг олти юз) сўм ундиришга оид қисми бекор қилинсин.

Суд ҳукмининг судланувчи М.Ж.Адан жабрланувчи Хаитов Достон Лазиз ўғлининг фойдасига 65.775.000 (олтмиш беш миллион етти юз етмиш беш минг) ундиришга оид қисми бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш Департаментининг Жиззах вилоят бўлими депозит ҳисоб рақамига А.С.А (150.000.000 сўм) ва М.А.К (548.000.000 сўм) томонидан тўланган жами 698.000.000 сўм “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция тартибидаги протест ва шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Мазкур ажрим устидан жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман суди орқали Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо	Ш.Худаяров
Ҳайъат судьялари:	имзо	Н.Эрназаров
	имзо	Қ.Холмуродов
Аслига тўғри:		Қ.Холмуродов

